



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

O'zingni angla!

2016-yil 9-noyabr, chorshanba \* № 45 (1004) \* 1996-yil dekabrda chiqqa boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.hurriyat.uz

## САЙТИНГИЗНИНГ ОБРУСИ ЁРМИ?

Фуқароларимиз бугун ўтирган жойида хоҳ телефон, хоҳ интернет орқали ўз муаммосини осонгина ҳал қилаётди. Зеро, сўнги йилларда тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига қулайлик яратиш, муаммоларни узоқ масофадан туриб ҳам ҳал қилиш, асосийси, вақт ва маблағни тежаш мақсадида ҳар бир давлат органи ўз расмий веб-сайтларига эга бўлди. Интерактив давлат хизматлари, жумладан, ягона портал хизматлари, ягона дарча, виртуал қабулхона каби хизмат турларининг муваффақиятли фаолияти таъминланди.

⇒ 4-бет

## ҲАЁТБАХШ СЎЗ

Адабиётшунос олим, муваққид ва маъруз таржимон Иброҳим Гафуров билан суҳбат

Атрофимизга қарайлик, аччиқ бўлса ҳам, нотўғрими? Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфининг энг яхши асарлари нима учун ёзилди? Англамасак? Хулоса чиқармасак? Гафур Гулом, Чўлпон, Қодирийнинг оламшумул гуманизми қаерга боради, нима қилади? Англамасак? Хулоса чиқармасак? Ўзимизга кундалик ҳамроҳ қилиб олмасак? Ҳолбуки, энг юксак гуманизм, миллатпарварлик шуларда-ку, шуларнинг энг ғайратли издошларида-ку?

⇒ 6-7-бет

## Бир кунлик тўй ўтади эавесси йилларга етади!

Тўй қилишининг, элга ош-нон беришининг ўзи бўлмайди. Мана шундай бахтиёр кунларимиз ёдимизга бир умр муҳрланиши учун нималар қилишимиз лозим ва нималардан воз кечишимиз шарт, деган саволларни онла аъзоларингиз орасида муҳокама қилинг, азиз ота-овалар. Фарзандингизни сўзингизга, маслаҳатларингизга амал қилишига эришинг. Ана шундагина тўйларимиздан кўнглимиз хотиржам бўлади.

⇒ 7-бет

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

САЙЛОВ — 2016

2016 йил 8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш миссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида янги овоз бериш йўли билан амалга

оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий аҳолига, ирқий ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш таъқиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда.

Жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, унга сўнги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг кўзи оғиз фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун Брайль алифбосида сайлов бюллетенларини тайёрлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида ўтказилмоқда. Амалдаги қонунларга биноан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан ташқил қилинган кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сайлов кампаниясида халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини мустақамлашга хизмат қилади. Маълумки, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссиясининг элчи Йохан Петер Траутголт Тейлер бошчилигидаги асосий гуруҳи сайлов жараёнини кузатиш бўйича ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Мажлисда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссиясининг мамлакатимизга шу йилнинг 6-7 ноябрь кунлари ташриф буюрган 20 нафар узоқ мuddатли кузатувчисини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.


Б.БОЗОРОВ, ЎЗА мухбири



## 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ



Суратлар муаллифи Х.Мамадалиев (ЎЗА)



## ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ РЕАНИМОБИЛЛАР

Наманган вилояти туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларига "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида замонавий реанимобиль автомобиллари топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини асраш, тиббиёт муассасаларининг

моддий-техник базасини мустақамлаш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини янада оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Вилоятдаги барча туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий

поликлиникалар, Наманган шаҳридаги 13 оилавий поликлиника, шунингдек, янги бунёд этилган ва капитал реконструкция қилинган биноларда фаолият юритаётган 200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

— Утган йилларда туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиникаларини жиҳозлаш ва кадрларни қайта тайёрлаш учун 11

миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг "Саломатлик-3" лойиҳаси раҳбари Дилмурод Қодиров. — Мазкур муассасалар замонавий УТТ, гастрорфиброскоп, кардиомонитор, жарроҳлик ва умумий амалиёт жамланмалари, ЭКГ ва лаборатория жиҳозлари ҳамда аҳолига воситалар билан таъминланди. Янгиқўрғон ва Мингбулоқ туманларида энг такомиллашган рақамли рентген аппаратлари ишга туширилди. Кўп тар-

моқли марказий поликлиникаларда эса 56 замонавий стоматология жиҳозлари ўрнатилди.

"Саломатлик-3" лойиҳасига мувофиқ "Nissan" русумли янги реанимобиллар Янгиқўрғон, Учкўрғон, Поп, Чуст, Қосонсой, Норин, Чортоқ ва Тўрақўрғон туманлари тиббиёт бирлашмаларига топширилди. Бу мазкур туманларнинг узоқ тоғли қишлоқларида ҳам аҳолига шоишли тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

— Янги замонавий тиббиёт транспорт воситаларининг афзалликлари кўп,

— дейди Республика шоишли тиббий ёрдам илмий маркази кардиология бригадаси тез ёрдам шифокори Гуломжон Матазимов. — Унда оғир беморларни худди стационар шароитидагидек бошқа шифохоналарга кўчириш учун барча имконият мавjud. Энди оғир дардга чалинган беморларни одис туманлар шифохоналаридан вилоят марказидаги касалхоналарга олиб келиш чоғида ҳам уларга ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан Марказий сайлов комиссияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

## Хурматли муштарийлар,

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин. "HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



## Имтиёз ва имкониятлар самараси

### ҲУҚУҚ

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат самарасида мазкур соҳа миллий иқтисодий тизимнинг чинакам таянчига айланиб бормоқда.

Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янада яхшилаш мақсадида 2016 йил 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини

сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик»ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустақамлаштирилади. Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг авва-

ло, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

Ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминлигини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансabdор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.



"HURRIYAT" газетаси Ўзбекистон ҳаво йуллари Миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

► ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу ўз навбатида суд ҳокимиятининг обрўси жамиятда ошиб бориши ҳамда қонунийликни таъминлаш борасида унинг роли янада мустақамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Замонавий АКТ – суд фаолияти самарадорлигининг муҳим омили**

Давлатимиз умумэтироф этилган демократик принципларга оғишмай амал қилган ҳолда ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида шахдам қалам ташлаб бормоқда. Шундай экан, бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасини ҳам энг аввало инсон манфаатлари учун хизмат қилиши нуқтаи назардан замон талабларига мос равишда тақомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг узвий ва мантқиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустақамлаш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжат ўз мазмунига кўра кенг миқёсда бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимининг қарийб барча жаҳдаларини ўзида қамраб олган.

Фармонда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари белгилаб берилган бўлиб, улар қаторида суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий қоидаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлашга оғишмай амал қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зарур чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш каби бутунги кундаги долзарб аҳамиятга эга бўлган вазифалар ўрин олган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзига хос аҳамияти шундан иборатки, унда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши белгиланган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, яъни суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини юксалтириш бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Бу вазифаларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада оширишга, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончининг ошишига, қонунийликка риоя этилишини юксак даражага кўтаришга хизмат қилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фармонда суд ҳокимияти мустақиллигини мустақамлашнинг бир қатор йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда электрон тартибда суд ва ижро иши юртишнинг замонавий шакл ва усуллари, одил судловга эришишнинг илгор механизmlарини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ошириш белгиланган. Ушбу ташаббусларнинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек, “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги қонунни амалда қўллаш доирасида мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий боққичи талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилик учун очиқлиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим омили бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу фармон давлат органлари, энг аввало, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятини янги талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқишни, бу борда замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизmlарни жорий этишда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

**Нўмон АКБАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

► САЙЛОВ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан “Сайлов жараёнида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида семинар ташкил этилди.



ЎЗА олган сурат

**САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ**

Унда депутатлар, ҳуқуқшунослар, ахборот соҳаси ва сайлов жараёнида экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институллари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ғ.Мирзаёров ва бошқалар жорий йилнинг 4 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очиқлик, ошқоралик каби демократик тамойилларга мувофиқ адолатли ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Фуқароларнинг эркин хоҳиш билдириши ва мустақил танлов ҳуқуқини амалга ошириши бевосита ахборот соҳасидаги ахборотни олиш ва тарқатиш эркинлигига асосланади. Мамлакатимизда сайловларда чинакам сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарда оммавий ахборот воситалари демократик жараёнларнинг субъекти ҳисобланиб, сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш даврида муҳим роль ўйнаши таъкидланди. Сайловчиларни хабардор қилиш, сайловда ташвиқоти воситаси ва жамоатчилик назоратининг муҳим шакли бўлиб хизмат қилади.

– Сайловга оид тадбирлар нодавлат телерадиостанциялар томонидан ҳам изчил ёритиб борилмоқда, – дейди Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ижрочи директори ўринбосари Жамила Нуржонова. – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда ассоциация ўртасида имзоланган битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнининг нодавлат телеушувчилар томонидан ёритиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унда жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга оид тадбирлар ҳақида ҳолис ҳамда тезкор хабардор қилиш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган телерадио маҳсулотларни тайёрлаш, уларни нодавлат телерадиостанциялар ва кабель студиялари орқали эфирга жойлаштириш назарда тутилган.

Семинарда сайлов жараёнини ишончли ва ҳаққоний ёритишда журналистларнинг касб маҳорати, сайлов жараёнида ахборот ва сўз эркинлигининг ҳуқуқий асослари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА мухбири

**Г.САТГОРОВА,**  
ЎЗА мухбири

**МУҲИМ ТАДБИРГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Фаргона вилоятида тузилган 980 сайлов участкаси зарур жиҳозлар, алоқа ва техник воситалар, сайлов қонунчилигига оид ва бошқа ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди, овоз бериш, она ва бола, тиббиёт хоналари шай ҳолатга келтирилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида участка сайлов комиссиялари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Сайловнинг қонун талаблари асосида ўтиши, сайловчиларнинг овоз бериши, кузатувчиларнинг самарали фаолият юртишида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакаси муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиясида ташкил этилган семинар-тренингда участка сайлов комиссиялари аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Т.Ширинов ва бошқалар “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти, халқаро сайлов стандартлари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ўрни, сайлов кампанияси очиқлигини таъминлаш

да оммавий ахборот воситаларининг роли масалалари бўйича атрофича сўз юртди. Муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов кунини овоз беришни ташкил қилиш тартиби, сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг роли, сайлов кампаниясининг очиқлигини таъминлашга оид маърузалар тингланди. Овоз беришни қонун талабларига мувофиқ ўтказиш, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда участка сайлов комиссиялари фаолияти билан боғлиқ бошқа жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

**ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТЛАР САМАРАСИ**

◀ Бошланғич 1-бетда

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклагани қолмасдан, балки тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарининг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлаш ҳам уқлайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асосиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилган.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолияти асосиз аралашидан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принципаал жиҳатдан янги бир қатор механизmlари белгиланиши назарда тутилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши, бундан юридик шахснинг тутатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

Шундай қилиб, муқобил текширишлар, яъни операциялар биллиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлимларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувлар бекор қилинди.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштиришни давом эттириб, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар солидир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхати-

дан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқ бузилиши оқибатларида иктиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан овоз қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш таққидланди.

Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазоланиши истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз айбини ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг иш-

билармонлик фаолигини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган. Шу муносабат билан Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилди.

Фармонда белгиланган қоидаларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида бешта соҳа бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурда тадбирлар номи, амалга ошириш механизми, бажариш муддатлари ва маъсул идоралар аниқ белгилаб берилди. Биргина, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида” ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунларни ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларини қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурда белгиланган вазифалар доирасида бу-




**С.ТОҒАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
Тадбиркорлик субъектлари ва хоржий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи

# Меҳнат инсонни улуғлайди

2016 йил — СОҒЛОМ ОНА  
ВА БОЛА ЙИЛИ

## ► ОБОД ҚАДАМЖОЛАР

Хар бир халқнинг ёрқин сиймолари бўлади, неча асрлар ўтса ҳамки, уларнинг беназир хизматлари ўша юрт ва миллатнинг чинакам фахри ва ифтихори бўлиб қолаверади. Ана шундай буюк аждодларимиздан бири Нақшбандия тариқатининг асосчиси — Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муборак номлари алоҳида эътирофга лойиқ. Жорий йил мамлакатимизда аллома таваллудининг 698 йиллиги нишонланди.



ренциялар бўлиб ўтди. Бухородаги Нақшбанд номи билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар қайтадан тикланди.

2004 йилда эса Вазиirlар Маҳкамасининг қарори билан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази ташкил этилган. Мазкур марказ Нақшбандия тариқатининг аҳамиятини мукамал ўрганиб, унга ўзининг муносиб баҳосини бермоқда. Хожа Баҳоуддин

буюк авлиға чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни “Баҳоуддини Балогардон” деб улуғлаб келишида ҳам, албатта, теран маъно бор. Истиқлол туфайли, алломанинг ҳақон илм-фани ва иском дини ривожига қўшган ҳиссаси ўзининг муносиб баҳосини олди.

Марказий Осиёда XIV асрда пайдо бўлган йирик тасавуфий тариқат — Нақшбандия тариқатидир. Бу тариқат Хожа Му-

кечирган, ўз қишлоғидаги унча катта бўлмаган ерида махсулот етиштириш билан шуғулланган. Бундан ташқари, у киши бутун умр ота-боболаридан қолган хунар — гилам тўқиш ва гиламга нақш солиш ишлари билан шуғулланган. Зеро, бу тариқатнинг асл ақидаси — “Кунглинг ҳаммиса Аллоҳда, қўлинг эса ишда бўлсин!”, деган гоани илгари суради. У киши қўл кучи билан кун қиришни ёқтирган, топган-тутилганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган эканлар. Нақшбанд ҳар доим ўз шоғирлари ва яқинларига меҳнат қилиш орқали яхши яшаш, оила боқиш кераклигини уқтириб келган. Ҳалол ризқ топиш учун инсон хунар ўрганиши зарурлигини таъкидлаганлар. Қуруқ вазохонлик ва ақидапарастилик барча асарларида қораланган.

Нақшбандий тариқатининг асосий моҳиятини тушунган инсон, динимизнинг нақадар инсонпарвар эканлигини англайди.

Қутлуг заманимизда яшаб ўтган Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асос соланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Урта ва Яқин Шарқ халқлари ўртасида жуда катта обрў топди. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечирини, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибодни қатъиян қоралайди. Унинг тарафдорлари таркидунчиликка қарши фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечирини чақирганлар. Нақшбандийлар савдо-сотиқ, деҳқончилик, хунарманчилик, бадийи алабиёт, муסיқа, илм-маърифат, хаттолик, наққошлиқ, қурувчилик каби фойдаланиш ва хайрли ишлар билан шуғулланган.

Яссавия, Қубравия, Нақшбандия каби улкамизда вужудга келган тариқатлар истиқлол туфайли ҳар томонлама чуқур ўрганила бошланди. Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутасаввуф донишмандларининг меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик борасидаги фикрлари эса бугунги давримизга ҳамоҳанг бўлиб, улар келажак авлод тарбияси учун хизмат қилади, албатта.

Жобир ХУЖАКУЛОВ,  
“Hurriyat” мухбири

Мустақиллик йиллари жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар миллий ўзлигимизни англаш, ўсиб келаётган навқирон авлодни ана шу рўҳда тарбиялаш борасида ҳаракатларни тамомла янги босқичга кўтарди. Улуғ алломалар қадамжоларини ободлаштириш, уларнинг илмий-маънавий меросларини чуқурроқ ўрганишига қизиқиш, талаб ва эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Халқимизнинг маънавий тирмоғида ардоқланган, инсон қадр-қимматини юксалтиришга, унинг руҳий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган нақшбандия таълимоти бўлган бугунги муносабатда бунга яққол кўриб туришимиз. Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, жумладан, Нақшбанд бобомиз илмий меросини тиклаш ва ўрганиш миллий маънавиятимиз ва миллий давлатчиликнинг юксалишида алоҳида ўрин касб этади.

Мустақилликнинг илк йилларидаги ўзбекистоннинг биринчи Президенти Исом Каримов раҳнамоларида миллий, жумладан, диний қадриятларимиз қайта тикланди. Улуғ алломаларимизнинг бой маънавий-маданий мероси халқимизга қайтарилиб, улар ётган қадамжолар ободлаштирилди. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қадамжолари тўқлан янгилашиб, зиёратчилар ва чет эллик меҳмонлар учун барча қўлайликлари мавжуд бўлган ажойиб

гўшага айлантирилган. Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси каттагина ҳудудни қамраб олган. Мажмуа яқинидаги Нақшбанд ҳазратларининг волидаи муҳтарамалари қўйилган маскан ҳам қайта бунёд этилган. Мажмуага келадиганлар дастлаб ҳазратнинг оналари мазоридида бўлишади. Ундан кейингина Баҳоуддин Нақшбанд зиёратига ўтилади.



Ёдгорлик мажмуаси атрофи ва йўл четлари қўқаламзорлаштирилган. Ушбу тарихий обидани таркибидан реконструкция қилишга олиб борилади, намозхонларга қўлай имкониятлар яратилган. Масжид пешайвонининг салобати ҳам кишини ҳайратга солади. Шунингдек, мажмуа таркибидида музей, илмий марказ ҳам фаолият олиб бормоқда.

Илк мартаба 1993 йилда Ўзбекистонда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги катта тантана билан ўтказилган эди. Унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди. Халқаро илмий конфе-

Нақшбанд меросини тарғиб этишга йўналтирилган тadbирлар ҳар йили ўтказилаётгани ҳам шундан далолат беради.

— Ҳозирги таъинкали дунёда, турли низо ва адоватлар барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг — миллиати, тили ва динидан қатъи назар, инсон эотини азиз ва муқаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шифақат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг боқини силлаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу давлатлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди, марказ директори Уктам Ғуломов. — Биз Нақшбанд ҳазратларининг халқимиз руҳи ва табиятига уйғун бўлган ана шундай гоа ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч-қувват оламиз. Ота-боболаримиз бу

ҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ У 1318 йилда Бухоро ёнидаги қасри Хиндўён қишлоғида туғилди (сўнгра Ҳазрати Нақшбанд шарафати билан бу қишлоқ “қасри Орифон” деб атала бошланган). Китобларда таъкидланишича, аллома Хожа Муҳаммад Бобои Самоси Баҳоуддин Нақшбанднинг қасри Хиндўён қишлоғида туғилишини олдиндан башорат қилган эканлар. Мазкур мутасаввуф донишманди ёш Баҳоуддиннинг ўзини ўқиб олиши ва ватанпарварлик борасидаги фикрлари эса бугунги давримизга ҳамоҳанг бўлиб, улар келажак авлод тарбияси учун хизмат қилади, албатта.

Баҳоуддин Нақшбанд умр бўйи деҳқончилик билан кун

Соғлом она ва бола йили Давлат дастури доирасида Хоразм вилоятида ҳам она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғломлаштиришда муайян натижаларга эришилмоқда. Жойларда “Оила — маҳалла — мактаб” ҳамкорлигида олиб борилаётган тadbирларда оналар ва болаларнинг соғлигини мустаҳкамлашда соғлом турмуш тарзига риоя этиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилаётир.

## Оналик ва болалик журналистлар нигоҳида

Вилоят оммавий ахборот воситалари, журналистлар бола тарбиясида онанинг роли, бундан ташқари фойдали, мазмунли ўтказиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, ёш оналар учун болалар шарвариши билан боғлиқ ижобий ишларни ёритишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Урганч шаҳрида журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан “Оналик ва болалик муҳофазаси” лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбатидида ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни тезкор, сифатли ёритиш, ОАВ орқали жамоатчилик назоратини ўрнаттиш, журналистлар касб маҳоратини юксалтириш ва бу борадаги вазифалар ҳақида атрафлича фикр юритилди. ОАВ ҳузурида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари мутахассислари матбузалар билан қатнашдилар. Жумладан, болаларнинг соғлом улайишидаги муҳим омиллар, шунингдек, эрта турмуш қуришининг ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби долзарб масалалар ҳам муҳофиза этилди.

— Ушбу тadbирни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари муҳаррири вазифасини бажарувчи Солиҳон Раҳимбергенова, — она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда ОАВнинг самарадорлигини оширишдир. Айниқса, болаларнинг бундан ташқари тўри ташкил этиш бўйича таҳлилий мақолалар, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар тайёрлаш лозимлиги қайд этилди. Долзарб мавзу бўйича журналист маҳорати, тайёрланаётган материалларни аҳолига тушунарли ва содда услубда етказиб беришда тавсиялар берилди.

Ушбу тadbир доирасида Урганч шаҳридаги 20- ва 5-сон мактабгача таълим муассасаларининг кичикинтойлар қўлларини билан тайёрланган кўргазмалар воситалари намойиш қилинди.

Давра суҳбатидида иштирок этган туман ва шаҳар газеталарининг мухбирлари, ёш журналистлар ўзларини қизиқтиратган саволларга жавоб олдилар.

Тadbирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Сайёра Абдукаримова иштирок этди.

Ш.МАШАРИПОВ



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-ношароат ташкилотларини ва фуқароларни тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қўнунига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги ҳамда «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнуни маъқулланди. 25 октябрь кунини эса “Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини (Сан-Франциско, 1948 йил 9 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қўнуни имзоланди.

## ► ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Мамлакатимизда меҳнат муносабатларини самарали тартибга солиш, унинг субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

## Касаба уюшмалари ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда

Жорий йилнинг 12 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнуни маъқулланди. 25 октябрь кунини эса “Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини (Сан-Франциско, 1948 йил 9 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қўнуни имзоланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси ҳисобланади ва ташкилотнинг 13 та конвенциясини ратификация қилган. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мазкур Конвенциянинг қоидаларига тўлиқ мос келади. Хусусан, фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 34 ва 59-моддаларида белгиланган бўлиб, ушбу кафолатлар шунингдек, 50 дан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексидида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шулар қаторида эндиликда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Бу жараёнда касба уюшмалари мутахассислари фаол иштирок этишди. Қонунлар лойиҳаси тегишли доираларда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатида қизгин муҳокамалардан ўтди. Бу қонун орқали касба уюшмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари тақомиллаш-

тирилди. Жумладан, ходимларнинг алоҳида топ-фалари, яқка тартибдаги тadbиркорлар, хунарманлар ва бир марталик ишларда банд шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлиги кафолатлари мустаҳкамланди. Бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда яқка тартибдаги тadbиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Яқка тартибдаги тadbиркор томонидан ёлланган ходимларга ҳам касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилди. Шунингдек, қонунга ўзгаришлар киритилиши касба уюшмаларининг ҳуқуқий ҳимоя функцияларини ҳам кучайтирди. Хусусан, меҳнат низоларини кўриб чиқишининг соддалаштирилган ва самарали воситаси сифатида судга даъво аризасидан ташқари суд бўйруғини чиқариш тўғрисида ариза билан муружаат қилиш ҳуқуқи киритилди.

Яна бир қўлай жиҳати иш бевуричлар томонидан касба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдирномасини кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди. Шу билан биргаликда касба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя функциялари ҳам кучайтирилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган механизм мустаҳкамланди.

Таъкидлаш зарурки, қонунга киритилган ўзгаришлар ижтимоий-меҳнат соҳасида касба уюшмалари фаолияти эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлайди. Фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунчиликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.

## “Келажак юлдузлари” майдонда

### ► БОЛАЛАР СПОРТИ

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш орқали олимпиадачилар ўринбосарларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, болалар футболининг оммавийлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Ўзбекистон футбол жаҳонда ва Осиёда етакчилар қаторида тилга олинишида ҳам ана шу эътиборнинг самараси кўринади. Бу борада жойларда табиий ва сунъий қопламали футбол майдонлари қуриляётгани шундан далолот беради. Уларда шуғулланаётган болалар эса соғлом бўлиб воёга етишяпти.



Интернетнинг фойдали томонлари жуда кўп. Лекин салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Айниқса, турли танишув сайтлари фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг онгига ҳалокатли равишда таъсир кўрсатмоқда. Кимнингдир қизи, ўғли, эри ёки хотини беғоналар билан ижтимоий тармоқлар, форумлар орқали танишиб, учрашиб юрганлиги, бунинг оқибатида айрим оилаларнинг бузилиб кетаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Айни пайтда айрим тармоқлар нафақат танишув, балки ахлоқсизлик порталига айланди. Қай биридан харид қилишни билмай, иккила-ниши ҳам бор гап... Ахборот бозоридеги маълумотлар, хабарлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Наринги бозордан фарқли ўлароқ, бу ердаги маҳсулотлар мияни “қамаштиради”. Қайси материални ўқини ёки ўқингандан сўнг уни қандай “ҳазм” қилишни билмай қолиш ҳам ҳеч тапмас.

Ҳар икки бозор учун бир хил мезёр бор: ҳеч ким ўз молини ёмон демайди. Энг сифатсиз маҳсулот сотаётган ҳам, қуруқ сафсатадан иборат хабарни тарқатаётган ҳам уни ўтказишни хоҳлайди. Озиқ-овқат, деҳқон ва бошқа бозорларга кирган киши нимани сотиб олишни ўзи билади. Чунки, у ерга маҳсулотларини билдирган одам киради-да! Лекин медиа бозорининг бугунги харидори унинг пештахталаридаги хабар ёки маълумотнинг қай бири сифатли эканини била-

дими? Бозорга кирган кишининг қўзлари пештахталардаги ранг-баранг маҳсулотларнинг кўп-лигиндан қамашиб табиий. Албатта, бири-бирдан чиқройдил, кўркам ва сифатли туюлади. Қай биридан харид қилишни билмай, иккила-ниши ҳам бор гап... Ахборот бозоридеги маълумотлар, хабарлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Наринги бозордан фарқли ўлароқ, бу ердаги маҳсулотлар мияни “қамаштиради”. Қайси материални ўқини ёки ўқингандан сўнг уни қандай “ҳазм” қилишни билмай қолиш ҳам ҳеч тапмас.

Ҳар икки бозор учун бир хил мезёр бор: ҳеч ким ўз молини ёмон демайди. Энг сифатсиз маҳсулот сотаётган ҳам, қуруқ сафсатадан иборат хабарни тарқатаётган ҳам уни ўтказишни хоҳлайди. Озиқ-овқат, деҳқон ва бошқа бозорларга кирган киши нимани сотиб олишни ўзи билади. Чунки, у ерга маҳсулотларини билдирган одам киради-да! Лекин медиа бозорининг бугунги харидори унинг пештахталаридаги хабар ёки маълумотнинг қай бири сифатли эканини била-

дими? Бозорга кирган кишининг қўзлари пештахталардаги ранг-баранг маҳсулотларнинг кўп-лигиндан қамашиб табиий. Албатта, бири-бирдан чиқройдил, кўркам ва сифатли туюлади. Қай биридан харид қилишни билмай, иккила-ниши ҳам бор гап... Ахборот бозоридеги маълумотлар, хабарлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Наринги бозордан фарқли ўлароқ, бу ердаги маҳсулотлар мияни “қамаштиради”. Қайси материални ўқини ёки ўқингандан сўнг уни қандай “ҳазм” қилишни билмай қолиш ҳам ҳеч тапмас.

қилувчи киши сифатида уларнинг домига тушади. Ҳозир ҳам бу давом этмаяпти, деб ўйлаганлар адашиб қолиши ҳеч тапмас.

КИНО “САНЪАТИ”НИНГ ТАҲДИДИ

Ўтган асрда кино ҳақида гап кетганда, қуйидаги ибора кўп бор таъкидланар эди: — Ҳамма санъатлар ичида биз учун энг муҳими кинодир... Уни айтган одам ўшанда нимани назарда тутган экан-а? Кинонинг маданият тарғиботи сифатидаги аҳамиятини ёки бошқалар маънавиятга таъсир кўрсатувчи муҳим омиллиги тўғрисидами?

Киносанъатнинг катта “қурол” эканлиги, мана, энди яққол билгани борапти. Яқин-яқинларда ҳам ўзбек телевидениесини тўла эгаллаб олган саёз фильмлар бунга жуда-жуда улкан “ҳисса” қўшди. Одамлар Туркия, Бразилия, Ҳиндистон, Мексика ва Америка режиссёрлари ишлаган олди-қонди, муҳаббат можаролари, оилавий муносабатлар ҳақидаги телесериаллар домига осонгина илинди. Ота-она, фарзандлар, оила даврасида томоша қилиш жараёнида ўпнишиш, қучоқлашиш саҳналарини биргалликда кўришга телесе-

риаллар орқали мажбур қилинди. Ётоқхона, тўшақдан бошланган лавчалар айна айна ўша жойда тугалланишини қандай тушуниш керак? Булар-ку, катталар учун ишланган телесериаллар... Энди ёш авлод, кичкинтойлар учун тайёрланган мультфильмларни олиб кўринг. Тўғриси, катталарникидан қолшимайди. Ўша сизу биз билган “Маугли”, “Қирол Шер”, “Соҳиб-жамол ва махлуқ”, “Том ва Жерри” мультфильмларида ҳам ўпнишиш, қучоқлашиш саҳналари тўлиб-тошиб ётибди. Уларни ишлаб чиқарганларнинг асл мақсадлари нима ўзи? Паст савияли фильм, қўшиқ, мультфильм ёки ўйинлардаги чалитувчи хусусият кишидаги (каттами, кичикми, барибир) фикрлаш қобилиятини аста-секин ўлдириб боради. Унда теваракда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга фақат шу ўйин ёки фильм савияси, берган “таълими” нуқтаи назаридагина қараш шароити этилиб боради. Она сўти оғзидан кетмай туриб, айна шундай руҳда “тарбияланган” боладан нимани кўтиш мумкин? Айрим ота-оналар фарзандини телевизор қаршига ўтказиб, мультфильм қўйиб бериш билан ўзини алдаётганини бил-майди.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, маънавиятга таҳдид келажакка таҳдид, демокдир. Ўзбекистон халқи жаҳон тараққиётига улкан улуш қўшган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Фөробий, буюк имомлар Ал-Бухорий, Мотуридий, ат-Термизий, ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг авлодидир. Улар ва бошқа улугларимизнинг маънавий меросини бутун дунё аҳли ҳайрат билан ўрганаётган бир пайтда бизнинг замонавийлик, маданиятчилик ниқоби остида турли ёнғил-ёлпи, маънавиятсизликни тарғиб этувчи омилларга берилишимиз кечирилмас ҳолдир. Бундай салбий иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш, уларга қарши курашиш бугуннинг долзарб вазифаси бўлмоғи керак.

Нажмиддин ЭРГАШЕВ

# СЎЗ

## Адабиётшунос олим, мунаққид ва моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров билан суҳбат

зика, информатика, астрономия, геометриядан ҳам ортиқ мента ўзбек грамматикаси. Ҳар қандай сўз, ҳар қандай ифода яратса имкони бор. Навоий шу тилда ёзиб, дунё ва миллий адабиётда тенгсиз улуг оқим яратган. Бу тилда яратилган афзалликларни у ўн саккиз минг оламга баробар кўрган. Эркин Воҳидов Гетенинг оламга машҳур ва бадиий жиҳатдан жулдузда мураккаб "Фауст" асарини шу тилда мақоми олий даражада таржима қилди-я. Абдулла Орипов-чи? Дантенинг "Илоҳий комедия"сининг "Дузах" қисми-ни қанчалар мазун ва уйғун ўзбек тили билан ўтирмадимки ва Италия шэър шаклининг гўзал ўзбеки муқобилларини яратмадимки! Тарихдан мисоллар келтирилган бўлса, Кутб Хоразмий деган улуг шоиримиз Низомий Ганжавийнинг "Хусрав ва Ширин" достонини энг баланд фахр шэър услубида ўзбек тилимизга ўғириб бермадимки ёки Сайфи Саройи деган оташзон доғишман шайхнинг Саъдий ҳазратларининг "Гулстон"ини ўзбек тилида муқобилини яратмадимки? Кейинги ХХ асрда жаҳон адабиётларидан ўзбек тилига машҳур манзур таржималар эса саводхон китобхоналаримизга яхши таниш. Булар бари она тили ва адабий тилимизнинг жаҳон тиллари қаторидаги қудрати ва кенг имкониятларидан яхши дараклар беради. Фитрат 1919 йилда ёзган "Тилимиз" деган мақоласида ўзбек тили дунёдаги энг бой ва широнари ифодавий тиллар қаторида турди. Лекин агарда Хоразмий, Форобий, Замахшарий, Ибн Сино, Беруний ва шулар сингари бошқа адибу муфаттаққиларимиз ўз туркий тилларида асарларини ёзганларида, унинг шухрати бундан минг қарра ортиқ ортан бўларди деб армон қилган эдилар. Тилда қанча кўп асар ёзилса, у шунчалар чархланади, сайқалланади, тилда қанча кўп ва ҳар бир соҳада қанча кўп мулоқот қилинса, у шунчалар бойиб, кенгайиб, чуқурлашиб боради. Тилда ибора ва сўз бирлиги қанча кўп ва ранг-баранг бўлса, бу тилнинг ифода имкониятлари шунчалар қудратли тус олади.

Кимки муз юрак бўлса,  
Уйлама эритмакни,  
Минг кўёш ёқиб қўйсанг,  
Қилмагай асар эсе —

дея Эркин Воҳидов кўйиб ёзган эди. Шундай тил ичда бепарво юрганлар, шундай тил ёнидан ҳисси, шуурсиз ўтиб бораётганлар бор. Тил уларга асар қилмайди ёки бу тилнинг равнақи устидаси асло қайғурмайди. Она тилимизнинг икки раҳмсиз душмани бўлади: бири босқинчи душманлар; иккинчиси, шу тилга мансуб бепарволар, яъни парвойи палаклар. Дунёда шундай парвосизлик туфайли худойим яратган неча тиллар унутилиб, йўқолиб кетган, неча тиллар жуда тор доираларда қелинади қолган. Тилимиз сўз ясаб, яратиш шакллари беҳад бой тил, сўзлар ясашга, ҳар қандай хориж тиллари билан рақобатта қобил тил. Бу тилимизда Навоий даврида юзлаб ҳарбий тушунчалар амалда эди. Ҳозир уларнинг аксари унутилган, яъни қўланишдан чиққан, яъни бошқа тилдан кирган тушунча ва терминларга ўрин бўштириб берган. Бу мустамаққачлик-зулмининг натижаси.

Уларни ҳозир тилимизга фаол олиб кирмасак ва олиб киришни оқил йўллари изласак, бу бизнинг бе-парво масъулиятчилигимиз оқибати. Истиқлол туфайли қонун-қоидаларнинг ўзига мос ва хос миллий шакллари ва услублари яратилди. Бу жуда катта тарихий-маданий ғалаба, ўзбек тилининг янги замонардаги ғалабаси. Яхши билиб қўйиш керак: муомала, мулоқот, нутқ маданияти, ёзма ва оғзаки маданият аввало — грамматикани яхши ва чуқур билишдан бошланади. Она тилини билмасак ҳам, яхши математик бўлиши мумкин. Аммо у ҳеч қачон математиканинг яхши шарҳловчиси ва яна муҳими, математикага муҳаббат уйғотувчи бўлолмайди. Шунинг учун тилнинг кимёси устидаси ҳар бир юртини, миллатини, тарихини севган одам бош қотиришга қорланган. Биз ўз-ўзича эмас, тилимиз билан бирга ўзгариб борамиз. Олам муҳитидаги, руҳониятидаги, ухровий, ладуний дунёсидаги ўзгаришлар тилга ҳам кўчади ва унда ўз аксини топади. Бу шоён жозибалар жараён. Кеча ҳеч қачон "ахборот узатиш", "маънавият тамойиллари", "маданий қадриятлар", "мулоқот амалиёти", "ижтимоий-маданий баҳолаш", "расмий-идоравий тил" ва ҳоказо деганларимиз. Ҳозир бундай тамойил янги иборалар юзларча, балки мингларча. Биз бу ибораларни матнларда учратганда ё эшитганимизда улар англаётганимиз маъноларини ташунамиз. Умумий тил — койнэ доирасида янги китобий, илмий, маълум даражада сунъий бўлиб қўринадиган тил жадал ривожлантипти. Матбуот, телевидение, радио, театр сахналарида тил ифода ўзгаришлари беҳад катта. Ҳозир биз Навоий, Қодирий, Ойбек, Ғафур Гулом тилда жонли мулоқот қилмаганимиз йўқ. Булар ва улар қабилад адабий тилимизнинг бебаҳо хазиналари. Биз жонли оғзаки тилда сўзлашганимизда адабий-маданий меросимизни ташкил қилган манбаларга ҳам дам-бадам муроса қилмаемиз. Тилда грамматика қабул қилган нормалардан ҳам узоқлашганлар тез-тез учраётганига дуч келамиз. Бу табиий тилимизнинг тинмасдан бойиб кенгайиб бораётганини кўрсатади. Бу тилда Жойси ҳам, Кафкани ҳам, Анна Ахматова, Евгений Евтушенко ҳам завқланиб-завқланиб таржима қилиш мумкин.

— *Миллий адабиётимиз равнақи йўлида олиб борган илмий тадқиқотларингиз ҳам таҳсианга лойиқ. Лекин "Менин романларим" деб атаган мансураларингиз адабий жамоатчилик эътиборини тортди. Эркин шэър жанрига жуда ақин бўлган бу насрий назмларни тартибга келтириб, ўқувчилар ҳўқмига ҳавола этишингизга нима тўртки бўлди?*

— Ижодкор ўз табии, кўпроқ юрагига мос фикр шаклини, яна ҳам тўғриси, ифода шаклини қилдиради. Қандай қилсам мен фақат ўзимга хос, бошқа ижодкорларни такрорламайдиган тарзда гапирман, фикр, мулоқот юритолман, — деб биринчи навбатда қайғуради. Ўз фикр, ифода тарзини қилдиради. Бундан у бошқалардан фарқи, оригинал ижодкор бўлиб етишолмаслигини аниглайди. Шунинг учун у биринчи навбатда ўз ижодий тилини топишга уринади. Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Исажон

Султон, Абдуқаюм Йўлдошевнинг ёзаётганларига эътибор қилинг. Тил эътибори билан улар жуда ҳам ранг-баранг. Биронтаси ўтмишдаги биронта адбимизга ўхшамайди. Балки мавзуларда ўхшашликлар жуда кўплир. Аммо ифода услублари гўркат такрорланмас. Шойми Бўтанинг тили Қўчқор Норқобил ёки Собир Умар тилидан кескин ажралиб, ўз қиёфаси билан кўзга чалинади. Ҳар ким ўз қалбига яраша усул топади. Мансурларда мен фикр ва энг муҳими, фикрнинг ифодавий эркинлигини севиб қолганман. Бадиий эркинлик деганда поэтик ифода эркинлигини тушунганман. Ақлим, кўксимда фикр қандай ҳаяжонли қобикда уйғонса ёки туғилса, шундай ҳаяжонли билиниб турадиган тарзда қоғозга туширишга интилам. Қоғозга туширишда, жуда кўп ҳаяжонлар, хаёл ранг-барангликлари йўқолади. Ижодкор шундай йўқотишлардан кўп изтироқ чекади. Аммо узук-юлуқтиклан қутулолмайди. Мансурлар фикрлардаги портлашларнинг вайронлари. Улуг араб шоири Қайс ибн ал-Мулавваҳдан "Улганлар муҳаббат азобидан қутуладиларми?" — деб сўраганларида, у: "Мен бормайман олдинга, сен ҳам мени чақирмайсан. Қанча замонлар ўтти, Улган кўзларимдан оқмас энди кўзёшлар. Менинг руҳоний кўзларим эса йилгаб ётларлар ҳамон", деб жавоб берган экан. Мана шу мансуравий фикр. Шоир улган кўзининг йилгаб ётишини мислсиз тасвирлайди. Кўз олдингизга келтирасиз бу қуримас ишқ бўлогини. Мансурларнинг фикр бурлишлари, товланлишлари бепоёнлиги мени ҳайратга солади.

— *Китоб дўконларини кўп айланман. Барибир халқимиз китобхон. Хўсуан, сизда китобга қизиқиш ва меҳр қанон уйғонган? Ўқиган китобларингизни ҳеч ҳисоблаб чиққанмисиз? Сир бўлмаса, айни пайтда китоб жавоншигизда неча китоб бор? Ҳаммасини ўқиб чиққанмисиз?*

— Жавонимдаги барча китобларни санамаганман: балки ўн минг, балки йигирма минг бордир, эҳтимол кўпроқдир. Талабалик йилларимда жуда кўп китоблар сотиб олардим. Шунчалар кўпки, ҳали ҳаммасини ўқиб улгурмаганман. Ёш улғайган вақтларда вақт кўпроқ ўзингга қоларкан: ўтган асрда ўқий олманган китобларни энди бирин-бирин ўқийман. Уша пайтларда ўқимаганимга ачинаман. Кўп ҳақиқатлар эллик йил илгари эмас, мана, энди юртин кўрсатяпти. Аммо барибир китоб ўқишга ўтирган олддан ҳам китоб ичига шўнгинг ондан ҳам бахтироқ дамни билмайман.

— *Умуман, яхши китоб ўқиганда қандай ҳолатга тушасиз?*

— Бу саволингизга боғли Мулавваҳнинг бир шўхона баити билан жавоб бериб ўтсам. Чунки худди мана шу тобда бу саволларингизга жавобларимни ўйлаб ўтириб, Қайс ибн ал-МУЛАВВАҲНИ ўқияман. Жигарсўзон шоир саволингизга мендан кўра яхшироқ жавоб айтди деб ўйлайман, яъни: "Доимо янгилик меннинг гапларим, Доимо янгилик муҳаббатим ҳам". Барчаларига кўпдан-кўп саломларим ва муҳаббатимни йўллайман.

Адиба УМИРОВА гурунглашди.

### ► ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА

Маълумки, матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттириш, уни билиш, тадқиқ этиш ва жамиятга қайтадан таъсир кўрсатишининг муҳим воситасидир. Ута тезкор ХХI асрга келиб матбуотнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти янада ошди, минглаб газеталар, журналлар, радио, телевидение, интернет каби ахборот воситалари жаҳон афкор оmmasига ҳар қуни ҳар соатда ва ҳар дақиқада жуда кўплаб турли хил ахборотларни етказиб бермоқда, дунё воқеаларини акс эттирмоқда ҳамда айни пайтда дунё кишиларининг онгига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

## Кўнгли ижод завқи билан ёруғ



Мустақил Ўзбекистон матбуоти, оммавий ахборот воситалари ҳам жаҳон матбуотининг муҳим бир бўлагини ташкил этади. Матбуотнинг моҳияти, унинг ижтимоий табиати ва ички хусусиятларини билишда журналистика фани муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. Кейинги йилларда ўзбек журналистикаси назарияси, матбуотшунослик фани ҳам ўсиш ва тараққий этди. Мазкур соҳанинг ривожланиши ва такомиллаштиришда таниқли матбуотшунос олим, филология фанлари доктори Мухтор Худойкуловнинг ҳам хизматлари муҳимдир.

Матбуотшунослик фани ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўрин тутди. Мухтор Худойкулов мазкур фанинг муҳим масалаларини тадқиқ этишда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган синчовор тадқиқотчи-олимлардан биридир. У ўз фаолияти давомида матбуотнинг моҳияти, ички қонуниятларини изчиллик билан ўрганди ва бу борда муҳим илмий кашфиётларни амалга оширди, десак муболаға бўлмайди. Олим ўз асарларида матбуотнинг моҳияти, унинг функциялари, фаолият тамойиллари, матбуотнинг тарихий кўри-нишлари, матбуотда жамоатчилик фикрининг акс этиш йўллари, унинг фаолиятидаги аънавийлик ва янги омиллар ва бошқа қатор зарур илмий масалаларни тадқиқ этиш ҳамда бошқалардан фарқ қилувчи ўз илмий тақлифларини ўртага ташлади. Чунонки, у матбуотнинг функциялари, яъни бош ижтимоий вазифасини тасвир, таҳлил ва таъсирдан иборат, деган фикрнинг олдинга сурли ва бунини исботлаб берди. Яъни ҳар бир матбуот нашри, оммавий ахборот воситаси ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни тасвирлайди, таҳлил этади ва жамиятга ўз таъсирини кўрсатади. Таъсир эса ҳам бевосита — онг орқали, ҳам билвосита — жамиятда бошқа ижтимоий институтлар орқали амалга ошади. Тадқиқотчи, шунингдек, матбуот — оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойиллари умуминсонийлик, халқчилик, миллийлик, ҳаққонийлик қабиладан иборат эканлигини ҳам белгилаб берди. Шунингдек, матбуот — жамоатчилик фикрининг доимий ифодачиси эканлиги, матбуотда жамоатчилик фикрини акс эттириш йўллари ҳам кўрсатиб берди. Унинг матбуот, оммавий ахборот воситалари тарихидаги энг илгор, энг тараққийпарвар аънавларига амал қилгандагина муваффақият қозона олиши мумкинлиги туғри-сиддаги фикрлари муҳимдир.

сар жанри — хабардан тортиб, мақола, тақриз сингари таҳлилий жанрлар ва очерк, эссе, фелетон, памфлет каби йирик бадиий жанрларга ҳам бирма-бир тавсиф этиб берилган. Шунингдек, мазкур китобда оммавий ахборот воситаларининг турлари — газета, журнал, радио, телевидение, интернет қабиладан ўзига хос хусусиятлари ҳам баён этилган. Мухтор Худойкуловнинг журналист талаблар учун ёзиб нашр эттирган "Журналистика қирриш", "Журналистика назарияси ва амалиёти", "ОАВ типологияси", "Ахборий журналистика", "Бадиий журналистик жанрлар" сингари ўнлаб китоблари, ўқув қўлланмалари ҳам талабалар учун журналистика фанини ўзлаштиришда қўл келмоқда.

Мухтор Худойкулов публицистик ижоднинг яна бир тури ҳажвий публицистика тарихи ва ижтимоий-иқдодий моҳияти борасида ҳам чуқур тадқиқотлар олиб борди. У ўзбек ҳажвий публицистикасининг тарихи ҳамда ижодий хусусияти бўйича олдин номзодлик, кейин эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ҳамда бу мавзуда "Ўзбек ҳажвий публицистикаси" деб номланган илмий асар ёзиб нашр эттирди.

Доимий илмий ижодий фаолият билан шуғулланувчи Мухтор Худойкулов бадиий соҳада ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Республикада масалчи-шоир сифатида ҳам танилган Мухтор аканинг нашр эттирган ўнлаб шэърли ва насрий ма-саллар, ҳажвий шэърлар, ҳикоялар тўпламлари севилиб ўқилади. Унинг кейинги йилларида "Олам ва одам" рукини остида "Ривоятлар ва ҳикоятлар", "Қишга осылган қилч", "Бобил минорасининг сирин" каби тарихий-бадиий мажмуалари ҳам ўқувчиларга етиб борди. Севили адиб болалар учун ҳам ижод қилиб "Қувнок алифбе", "Саноқ сонлар суҳбати" ва бошқа қатор китоблар ёзиб нашр эттирди. Шунингдек, у драматургия соҳасида ҳам ўз кўчинини сабаб "Ибтидо", "Интиҳо" каби шэърлий-фалсафий ва қатор тарихий ҳамда замонавий мавзуларда драмалар яратди. Мухтор ака кўпчиликнинг дилдан жой олган қатор қизқарли телевизион мини-атюраларнинг ҳам муаллифидир. У таржимон сифатида иш қўриб, рус масалчиси И.Криловнинг масаллари ва бошқа машҳур ҳажвичи ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўтирди.

Заҳматкаш олим, тиниб-тинчимас ижодкор Мухтор Худойкулов биз — шоғирларга ҳар ишда ўрнак бўлиб, қизгин ижодий жараёнларда Устозга мустақам соғлиқ, узоқ умр ва самарали ижодий фаолият тилаймиз.

Шавкат МИРАЛИМОВ,  
УМУ журналистика  
факультети доценти,  
тарих фанлари номзоди

## Бир кунлик тўй ўтириши забвони йилларга етади!

### ► АКС-САДО

"HURRIYAT"нинг 41-сонида чоп этилган "Айтилаётгану амал қилинмаётган ГАПЛАР" мақоласини ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиргим келди.



Оилалиман, уч нафар фарзандимиз бор. Тўйимиз бўлганига 12 йилча бўлиб қолди. Шаҳардан қиллоққа келиш бўлиб тушганман. Тўйимиз олдмироқ, камчиқимроқ ўтган, десам ҳам бўлади. Қўша-қўша машиналарда "ЗАГС"га бормаганмиз. "Қиз базм"дан сўнг битта машинада узатиб олиб кетишган. Йиллар ўтди. Турмуш ўртоғимдан кейинги қайнуқаларим ёшроқ эдилар. Мана бу йил қайнуқам ва қайинсимиз — эгизларнинг тўйини қилдик. Ўзимизнинг тўйимиздан ҳулоса асвай олганимиз сабаб бу тўйдан сўнг қарзга ботмаслик учун аввалдан ҳаракат бошладим. Келин тарафда берилмаган нарсалар, тўй кўни халққа берилмаган ош, кечки бозда ёзилмаган дастурхонга тортилмаган ноз-неъматлар — барчасини тўйдан асвад вақт олдин тахт қилиб қўйдик. Тўйга икки ҳафта қолганида қайнуқамнинг маънаси бошланди, дегди.

— Келинни олиб келишга "Малибу" гаплашман. Дугоналар учун саккизта(!) қора "Ласетти" керак, — дейди дабдурустан.

— Олдироқ енгил машина бўлмайдими? Ўзи шунча ҳаракат қилаялми, ортиқча чиқимнинг нима кераги бор?

— Ўртоқларим тўйида шунақа машина қилган, мен қилмасам, қулгуга қоламан, келиноий!

Майли, агар машинага пул йўқ бўлса, дўстимга айтаман, ўзи "қўтарди". Машиналарнинг ба-рини атғи 850 минг сўмга келишиди, эртага у ҳам уйланади, шунда мен ҳам машинасини "қўтараман".

— Тўйингизда ўртоқ бўлиб, гувоҳлик қилаётган йигитнинг шунчалик пули ошиб-тошиб кетаяптими? У ҳам бу пулни топ-гунча қимлардан қарз сўраган бўлса керак?

Бу гапларим қайнуқамга қор ҳам қилмади, ўртоқларига қулгубулмаслик учун ўзи айтганидек "Малибу" ҳамда "Ласетти"ларни ижарага гаплашди. Икки соатгина юмшоқ ўриндикда ўтириш учун 850 минг сўм сарфлаш шартмиди?!

Тўғриси, ўзим турмушга чиқаётганимда қўврга "ҳали у керак, ҳали бу керак" деб, оғир-лигимни солишга уялганман. Қайнота-қайнонамнинг кўнглини оғиритиб қўйсам, эрта-индин ўша хонадонга бораман, ким деган одам бўлман ўшанда, дея истиҳола қилганман. Ҳозирги қизларга эса ҳайронсан киши.

Афсуски, бу каби фикр-мулоҳазалар барча қизларимизнинг хаёлидан ўтди, дея олмайман. Аксинча, тўйдан олдин зарур нарсаларни олдириш, дея қизларимизни нотўғри йўлга солаётган опа-сингилларимиз, амма-хोलларимиз, дугоналарим ора-мида йўқ эмас. Тўйдан олдин йигит ва қиз дегарли ҳар қуни

гаплашишди, жилла қурса, телефонда суҳбатлашишди. Ана шу суҳбатлар орасида иккаласи келишиб, "ЗАГС"га қатор-қатор машиналарда бормайлик, камчиқимроқ бўлайлик, эртага тўйдан кейин қарзга ботмайлик маъносидаги гапларни ҳам сўзлашаркан яхши бўларди. Келин бўлиши кечигина турмушга чиққан ўртоғи кийган 400 минг сўмлик қўйлакни кийишни истамаётгани, тўйи бир марта бўлиши ва у хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши учун камида 800 минг ёки 1 миллион сўмлик қўйлак, қолаверса, "қиз базм"да иккита-учта бошқача рангдаги, алламбало "вечерний" қўйлак кийиши ва бунинг харажати ҳам йигит томон қўтаришини билдиради. Тўйгача мардлигини намойиш этишдан чарчамаган йигит бунга ҳам рози. Натيجида тўй қилаётган хонадонга яна ортиқча чиқим, харажат "илинади".

...Буниси ҳам майли, "унаштириш", "нон ушатиш", "белгили қилиб қўйиш" учун икки тараф йиғилган вақтда турмушга чиқаётган қизнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари орасидан оғзи ботирроғи чиқадилар, "эртаниндин қизимизга тилла занжир ёки узук-сирга тақиб кетинлар" дея талаб қўяди. Хўп, сининг талабинингизни бажара оладиган, чўнтаги ортиқча чиқимга тоби йўқ оилалар бор. Ўзи тўйга кетадиган харажатларни ўйлаб ҳу-

ноби ошиб юрган ота-онага бу талабингиз энди ортиқча эмасми? Қизингиз янги хонадонга борсин, хизматини қилсин, шунга қараб лозим топилса, ўзлари билиб бирор байрамми, тутилган кунидами сиз айтган нарсаларни олиб бераверинишди.

Сиз келиноий бўлганингиз учун шундай фикрлар билдира-лмасиз, дейишингиз мумкин. Бироқ уйланаётган ўлгингиз билан тўйнинг харажатлари хусу-сида, турмушга чиқаётган қизингиз билан эса кўвнинг ҳисо-бидан нима олдириш учун катта-катта талаблар қўйишни эмас, балки бораётган хонадо-нида яшашни ва бунинг учун уларнинг қарзга ботмай тўй қилишлари қиз учун ҳам айни мудоао бўлишини ўқитсангиз, биз каби келиноийларга гапи-ришга ўрин қолмас эди.

Дарвоқе, мақолада акс этган ҳолат, яъни келин-кўвнинг вальс тушишлари гўёки эпидемия сингари туманлардаги чет қиш-лоқларга ёйилаётгани ҳам ало-ҳида таъкиллаш лозим. Вальс ту-шиш билан гўё бизнинг келин-кўвё маданияти бўлиб қолаёт-гандек тутишмоқда ўзларини. Ўнлаб эрқагу аёллар, ёш-яланг, қария отахон-у, нуруний онахонларимиз бор бўлган давраларда келиннинг бе-лидан ушлаб олган кўвё виқор билан вальсга туша-япти. Умирда бирор ма-риетаба: аникроғи, мактаб-ми, коллежми ёки бирор таълим маскандида ташкил этилган тандаларда ўз-бекча рақсини маромига етказиб туша олманган ёшларимиз вальсини "қо-тириб" ижро этишаётган-дек мағрурланганимизда. Атрофда турган, тўй-то-моша қилишга келган бо-лакайларнинг оғзи ланг очик — бирам ҳаваслари ортанки, асти қўяверасиз. Қишлоқимизда ҳам битта тўйда шундай бўлди, дегди. Бир ойдан кейин менинг қайнуқам уйланиши керак. "Сиз ҳам келинни вальсга тақлиф қилиб ю-рманг. Ота-боболарингиз қилма-

ган ишни қилишга нима бор?" дея такрор-такрор қулогига қуяман. Қайнуқамнинг уяли те-лефонига ёзиб олинган ўша вальс томошасини кўриб, вальсга келин-кўвё эмас, гўёки мен туша-ётгандек уялиб кетдим.

Тўй қилишининг, элга ош-нон беришининг ўзи бўлмайди. Мана шундай бахтиёр кунларимиз ёди-мизга бир умр муҳрланиши учун нималар қилишимиз лозим ва нималардан воз кечишимиз шарт, деган саволларни оила аъзоларингиз орасида муҳокама қилинг, азиз ота-оналар. Фарзан-дингизни сўзингизга, маслаҳатла-рингизга амал қилишига эри-шинг. Ана шундагина тўй-ларимиздан қўнглимиз хотиржам бўлади.

2014 йилда чоп этилган Аб-дулла Қодирийнинг "Танланган асарлар"ида берилган ҳикоя, шэър, саҳна асарлари, ҳангома, фелетон ва мақоалаларини ўқир эканман, бундан 100 йил аввал ҳам тўй мавзуси долзарб санал-ганлигига гувоҳ бўлман. Шу ўринда эътиборингизга Абдулла Қодирийнинг 1915 йилда "Са-доли Туркистон"нинг 64-сонида босилган "Тўй" шэърини ҳаво-ла қўймоқчиман.

### ТўЙ

Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,  
Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй.  
Бир-бирини ошурбайлар тўйини,  
Топди раванак, ғайрат ила боён тўй.  
Беш кун ўтмай тўйини сўнғидин,  
Кетибон муқдлар боис фиғон тўй.  
Боён тўйига ердилар қараб  
Этди сарф тоқи тандави жон тўй.  
Эй ганийларимиз, эй факрларимиз,  
Амр этбудируму бизга Қўрвон тўй?  
Мундайин ишлар шаримизда йўқ  
Кори маъжус, кори шайтон тўй.  
Ишамас шундай ақалик киши  
Йўламас асло аҳли вайсодон тўй.  
Ўтса тўй бирла ёзу қишимиз,  
Айлавай бизни ерга яқсон тўй.  
Келингиз дўстлар, дин қариндошлар,  
Ташласун бўлса сар мусулмон тўй.

Хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола, муҳтарам газетхон!  
Шоҳиста МАКСУДОВА  
Олмалиқ шаҳри

АДОЛАТ – ҲАР БИР ИНСОН УЧУН!



НАРИМОН УМАРОВГА  
ОВОЗ БЕРИНГ!

Ушбу реклама Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти доирасида тижорат шартномаси асосида (реклама шаклида) чоп этилмоқда.

АНЪАНА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Республикаимиз миқёсида кўплаб оммавий тадбирлар бўлиб ўтаётти. "Олин куз" халқаро санъат фестивали ана шундай анжуманлардан биридир. Республикаимизнинг барча вилоятларида ўтказилиши режалаштирилган мазкур фестивални ташкил этишда Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика марказида белгиланган чора-тадбирлар хусусида марказ директори ўринбосари Курбонмурод Амонқулов қуйидаги фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Куз — хаёллар, ширин ўйлар фасли. Кўнгил яна мурғак боладек ҳар томонга ҳайрат ила нигоҳ ташлайди. Кузак шамоллари фароғуш дарахтларнинг олтин тусга кирган япроқларини бандириб оҳистагина тортиб меҳр нулларидек бошлардан сочаверади. Фаршга куз гуллари эса баҳордагидек навқирон ва дилбар...

Юртимизнинг кузи ана шундай гўзал, ана шундай тароватли. Айниқса, кузда далаларимиз, боғларимиз жозибаси ўзгача бўлади. Бобо деҳқону боғлардан етиштирган ҳосил фарқлиқлиб етилади. Бозор пештахталарию дастурхонларимизнинг тўкин-сочинлиги янада ортади. Элимиз ўз қувончу шодлигини тўйлар, байрамлар билан нишонлайди.

Куз фаслида нишонланган байрамларимиз ҳам гўзал. Уларнинг кўпчилиги ажодларимиздан мерос бўлиб қолган анъана сифатида ҳам биз учун қадрли.

Азал-азалдан юртимизда куз фасли байрам ва маросимларга бой бўлган. Халқимизда бу мавсум пишқичлик, тўқчилик даври дейилган. Ёз охири ва куз бошида боғ, қовун, олма, узум,

анор сайллари, меҳржон байрами, хирмон тўйи каби кўплаб анъанавий-маросимлари ўтказилган.

Халқ ўйинларидан данак, ёнғоқ ўйинлари, арғимчоқ учиб қабилар севилиб ўйналган. Кеч куз-қиш бошида ёнғарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозик, ошиқ, тош ўйинларини ўйнаш одат тусига кирган. "Улоқ" ҳам кеч кузда деҳқончилик ишлари тугагандан сўнг авжга чиққан.

Энг қувончлиси, ана шу байрам ва маросимларга ўзига хос жозоба бахш этган, ота-боболаримиздан мерос кўллаб куйи-қўшиқлар халқимиз қалбиде яшайпти. Байрамларимиз файзига файз қўшаяпти, янгича оҳанг жилвалари билан бойиб борапти.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 28 октябрь — 3 декабрь кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида ўтказилиши режалаштирилган "Олтин куз" халқаро санъат фестивалида ҳам олтин кузимизни мадҳ этувчи ажодлардан мерос куйи-қўшиқларимиз ўзгача жозоба билан янтраб, дилларга қувонч

Олтин куз тароналари



ва шодлик тўхфа қилиши аниқ. Чунки, мазкур фестивал ўзбек халқининг ноёб номоддий маданий меросини, жумладан, миллий мусиқа, анъанавий ижрочилик ва театр санъатини, шунингдек, оркестр ижрочилиги ва жаҳон классик мусиқа санъатини кенг тарғиб қилиш, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш, жаҳон халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналари билан кенг таништириш мақсадида ташкил қилинмоқда. Фестивал республикамизда ижод қилаётган фольклор қўшиқлари ижрочилари — бахшию оқинларимиз, номоддий маданий мерос ҳисобланмиш куйи-қўшиқларни ўзда сақловчи ва уларни янги-янги оҳанглар билан бойитиб бораётган соҳа жонқуярлари учун катта имкониятдир.

Маълумки, бугунги кунда республикамиз миқёсида "Халқ

ҳаваскорлик жамоаси" унвонига сазовор бўлган 61 та фольклор-этнографик жамоалар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган "Шуъла", Фарғона вилоятида "Қўқон ёр-ёри", Андижонда "Зилол", Бухорода "Варданзе наволари", Жиззахда "Зомин сайқали", Навоийда "Нуржон", Наманганда "Ёр-ёр", Самарқандда "Бешқарсак", Сурхондарёда "Бойсун", Қашқадарёда "Ризвон гул", Сирдарёда "Сайхун йигитлари", Хоразмда "Достон", Тошкент вилоятида "Заррин япроқлари" каби фольклор-этнографик ансамблларнинг ранг-баранг куйи-қўшиқлари барча юртдошларимизга маълум ва манзур. Уларнинг иштироки "Олтин куз" халқаро санъат фестивали файзини янада оширади.

Айни кунларда фестивал доирасида ўтказилган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича бир қатор

ижодий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика маркази томонидан фольклор жамоаларига услубий жиҳатдан яқиндан ёрдам берилмоқда. Бунинг натижасида фестивалда иштирок этадиган барча фольклор этнографик ансамблларининг репертуарлари ватанимиз, тинчлигимиз, меҳнаткаш бонбону соҳибдорларимизни мадҳ этувчи қўшиқлар билан бирга фаслларни, жумладан, олтин кузни таърифлаган қадимий мавсум қўшиқлари билан янада бойитилди.

Шу билан бирга сибизга, чанқовуз, ғажирнай, сурнай каби қадимий олуғларимиз садоларига йўғрилган, ҳали кўпчилик эшитмаган куйлар ҳам ижро этилади.

"Олтин куз" халқаро санъат фестивалида хоржий мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар ва Ўзбекистонда фа-

олият юриётган чет эл ваколотхоналарининг вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.

Республикамизнинг Биринчи Президенти "... Бу ҳаётда ижодкорларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаллас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас гоёларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифини тўлиқ адо этишга эришган бўлади", — деб таъкидлаган эди.

Ўйлаймики, эзгу ниятлар билан ташкил этилаётган "Олтин куз" халқаро санъат фестивали ҳам халқимизни ягона мақсад йўлида янада жиҳатлаштириб, кўҳна қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизни юксалтириш, миллий санъатимизни бойитиш ва ривожлантириш учун хизмат қилади. Мазкур фестивал республикамиз Конституциясининг йигирма тўрт йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлади. Шунингдек, ёшларимизни қадимий санъатимизга бўлган қизиқишларини янада қучайтириб, юртимиз тинчлигини, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаб, кўҳна ва қадимий наволаримиз орқали юртдошларимиз маънавий-руҳий оламга кўтаринкилик бахш этади.

Ваҳобжон ҲАЗМАТОВ тайёрлади.

Бир ҳовуч дур

Давлат учун кўнгулни зор этма, иззат учун ўзунгни хор этма.

Мирзо Бобур

Бойликдан қорилмоқ — ақдан нари, Чунки у ўткинчи булут сингари.

Абдурахмон Ҳомий

Инсоннинг қалбига қирган қибр қанча бўлса, ақдан ҳам шунча қамчиликка эга бўлади.

Муҳаммад ибн Ҳусайний

Осмон бўлсанг, ерга интилоқ яхши, Тупроқ бўлсанг, кўкка интилоқ яхши.

Мирзо Бедля

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Бөгкўча даҳаси, 4-уй, Заиров Иркин Умаровичга тегишли 27-хонадоннинг турар-жой режаси йўқолганлиги муносабати билан БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси факрий журналист Лутфулла Кабирова онаси Карима Баҳодированинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

